

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚОРАМОЛЛАР ПИРОПЛАЗМИДОЗЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

**Исламов Гулом Пайзуллаевич**

*Самарқанд ветеринария медитцинаси институти ассистенти*

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:**

Пироплазмоз, тейлериоз, бабазиоз, кўзгатувчи, *Hyalomma anatolicum*, *Hyalomma detritum*, *Boophilus calcaratus* каналари.

### Аннотация

Самарқанд вилоятининг қурук ва иссиқ иклимли Нуробод, Каттақурғон туман ҳудудларида *Hyalomma detritum*, *Hyalomma anatolicum*, каналари учраганлиги сабабли тейлериоз, нисбатан салкин ва намгарчилиги юкори бўлган Пастдарғом, Нарпай, Иштихон, Пайариқ ва Пахтачи, туман ҳудудларида *Hyalomma anatolicum*, *Boophilus calcaratus* каналари тарқалганлиги учун тейлериоз ва пироплазмоз билан каслланиши аниқланди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Мавзунинг долзарблиги.** Чорвачиликни ривожлантиришда аввало мустаҳкам озуқа базасини яратиш, чорвачилик хўжаликларида наслчилик ишларини йўлга қўйиш, чорва молларини сақлаш ва озиклантириш технологиясига қатъий риоя қилишга қаратилиши лозимлиги билан бир вақтда чорва моллари орасида кенг тарқалган ва чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказаётган қорамолларнинг пироплазмидоз (тейлериоз, пироплазмоз ва бабезиоз) ни ветеринария амалиётига тадбиқ қилиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Самарқанд вилоятининг турли хил географик иқлим ҳудудларида қорамоллар пироплазмидозларининг касаллик тарқатувчи каналар фаунаси ҳамда тарқалиш даражасини аниқлаш бўйичатадқиқотлар Нуробод ва Каттақурғон туман қир адирлик, ярим чўл, тоғ этакларида жойлашган Ургут туман “Эшон қишлоқ” аҳолиси, суғориладиган ва яйловга эга бўлган Пайариқ, Пастдарғом, Иштихон ва Пахтачи туманларининг ҳудудларида мавжуд қорамолларда олиб борилди.

### 1-жадвал. Пироплазмидозларни тарқатувчи каналар фаунаси

Т.р	Хўжаликлар номи	Текши-рилган қорамол сони	Текши-рилган каналар сони (нусха)	Ш у н д а н		
				<i>B.calcaratus</i> , %	<i>H.anatolicum</i> , %	<i>H.detritum</i> , %
1	Нурли куёш фермер хўжалиги	185	200	-	80	20
2	Эшон қишлоқ аҳолиси қорамоллари	310	280	40	60	-
3	Илғор қишлоқ аҳолиси қорамоллари	240	80	46	54	-

4	Бешбола фермер хўжалиги	350	70	25	75	-
5	Зарафшон қишлоқ аҳолиси қорамоллари	185	110	35	65	-
6	Қарнаб қишлоқ аҳолиси қорамоллари	210	221	-	75	25
7	Асли баҳор қишлоқ аҳолиси қорамоллари	207	100	5	90	5

Ёз фасли мавсуми давомида хўжаликлардаги қорамоллардан пироплазмидозларни тарқатувчи каналар терилиб, уларнинг авлоди ва тури аниқланди. Терилган каналарнинг фаунаси Ветеринария илмий-тадқиқот институти протозоология лабораторияси шароитида термостат, эксикаторда култивация қилиниб, улардан авлодлар (генерация) олинган ҳолда ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида нисбатан салқин ва намлиги юқори бўлган Ургут, Пайарик, Пастдарғом ва Иштихон туманлари ҳудудларида мутаносиб равишда 25-46% гача *Boophilus calcaratus*, 54-75 % гача *Hyalomma anatolicum*, Нуробод ва Каттакўрғон туман ҳудудларида 75-80% гача *Hyalomma anatolicum*, 20-25 % гача *Hyalomma detritum*, Пахтачи туман ҳудудларида 5% гача *Boophilus calcaratus*, 90 % гача *Hyalomma anatolicum*, 5% гача *Hyalomma detritum* каналари тарқалганлиги кузатилди (1-жадвал,).

Изланишларда нисбатан намлиги юқори бўлган Ургут, Пайарик, Пастдарғом, Иштихон, Пахтачи туман ҳудудларида *Boophilus calcaratus* ва *Hyalomma anatolicum* каналарини тарқалганлиги сабабли тейлериоз, пироплазмоз ҳамда бабезиозни келиб чиқиши, қир адирли, ярим чўл ҳудудли Нуробод ва Каттакўрғон туман ҳудудларида эса *Hyalomma anatolicum* ҳамда *Hyalomma detritum* каналари тарқалганлиги сабабли фақат тейлериоз келиб чиқиши ва *Boophilus calcaratus* каналари тарқалмаганлиги сабабли пироплазмоз учрамаслиги аниқланди.

#### Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Гафуров А.Ф. Распространение пироплазмидозов в Зарафшанской долине. Ж. Ветеринария, 1996, №3 - С 17-18
2. Гафуров А.Ф., Расулов Ў.И., Дўскулов В.М., Қўчқорова С.Қ. Пироплазмидоз касалликларининг эпизоотологик ҳолати ва ҳозирги кунда олиб борилиши зарур бўлган чора-тадбирлар //Бешинчи халқаро илмий конференция марузалар матнининг тўплами .Самарқанд, 2016 -б. 82-86.
3. Гафуров А.Ф., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликлари. Монография, 2011 - б. 114
4. Гафуров А.Ф. ва бошқ. Қорамоллар қон-паразитар касалликларига қарши курашиш тўғрисида Қўлланма. Самарқанд-2017 - б. 28
5. SHERZODOVICH, A. S., & KIZI, R. Z. D. (2020). Interpretation and Written Translation: Related Learning. *INTERPRETATION*, 6(6).
6. Аслонова, Ш. И. (2020). ПРОБЛЕМЫ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ МОЛОДЁЖИ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ. *Интернаука*, (21-1), 59-60.
7. Sherzodovich, A. S. (2020). The role of online teaching and innovative methods. *Science and education*, 1(3), 524-528.
8. Аслонов, Ш. Ш. (2020). КОМПЬЮТЕРНАЯ ЛИНГВИСТИКА И ФИЛОЛОГИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. *Гуманитарный трактат*, (84), 17-19.

9. Aslonov, S., & Ruzimurodova, Z. (2020). THE USE OF ACRONYMS AND INITIALISMS IN BUSSINES ENGLISH. *Студенческий вестник*, (12-5), 34-35.
10. Umida, K., Zarina, R., & Shahram, A. (2020). Characteristics, significance and role of motivation problms in foreign language learning. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 61-65.
11. Madaminovich, T. I., Khusanovich, K. B., Akhatovna, K. O., & Kholmamatovna, B. L. (2019). Features of the system of formation of compensatory competence among agricultural students as a means of filling in professional terminology. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering*, 8(11), 2202-2206.